116

2011 йил 16 август, сешанба



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 160 (11.971) | Баҳоси эркин нархда

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 2011 йил 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

**«Жаҳон» АА**

## ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

**Бир неча юз йиллар давомида шаклланиб келган Ўзбекистон ва Кореянинг бир-бирига бўлган дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат муносабатлари давлатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги босқичда ривожланиши йўлида икки мамлакат халқларини яқинлаштиришга хизмат қилишда давом этиб келмоқда.**

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланишига Корея Республикаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини эътироф этган 1991 йил 30 декабрда асос солинди. Дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 29 январда ўрнатилди. Шу пайтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида қизғин сиёсий мулоқотлар олиб борилмоқда. Ўтган давр ичида ўнта олий даражадаги учрашув амалга оширилгани ҳам бунга далил бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2006 йил март ойида амалга оширган давлат ташрифи чоғида давлатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилган ҳамда уни янги сифат босқичига олиб чиққанини ифодалаган «Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация» имзоланган эди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи амалий вазиятда, дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Ташриф чоғида кенг кўламга эга бўлган икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан музокаралар олиб борилди ва унинг якунига кўра мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига 2010 йил февраль ойида амалга оширган давлат ташрифи томонлар стратегик ҳамкорликни, олдинги учрашувлар чоғида эришилган келишув ва шартномалар ижросининг таъминланишини янада ривожлантириш тарафдори эканлигини тасдиқлади.

Давлатларимиз ўртасидаги турли соҳалар бўйича олиб борилаётган икки томонлама ҳамкорлик 200 дан зиёд ҳужжат асосида тартибга солиб келинади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир-бирининг минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган турли масалаларга ёндашувини қўллаб-қувватлаб келади. Хусусан, Ўзбекистон Корея Республикасининг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги мулоқотда воситачилик ролини мустаҳкамлаган ҳамда унинг халқаро майдондаги нуфузи ва таъсирининг ошишига хизмат қилган тадбир – 2010 йил ноябрда Сеулда ташкил этилган «катта йигирмалик» саммитининг муваффақиятли ўтганини олқишлайди.

*(Давоми 3-бетда)*

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Айни кунларда юртимизда Энг азиз ва энг улуғ байрам мадҳини тараннум этишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Миллий боғида бахт ва шодлик, эзгулик ва қувонч уфуриб турган, «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан»! шиори остида ташкил этилган маърифий-маданий тадбирда қатнашган иштирокчилар том маънода мустақиллик нашидасини юрак-юракдан туйдилар десак асло муболаға бўлмайди.**



## ҚАЛБЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Шайхонтоҳур, Юнусобод, Олмазор ва Чилонзор туманлари ҳокимликлари томонидан, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний», «Маҳалла», «Олтин мерос» жамғармалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлигининг шаҳар бўлинмалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда сўз олган шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Е.Борисова, Чилонзор тумани ҳокими Ҳ.Маҳкамов, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, адабиётшунос олим А.Расулов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў.Ҳошимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Истиқлол йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, аҳолини кучли, аниқ ва манзилли тарзда ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳаётимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Шаҳримиздаги маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллар, жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт, фан номояндалари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, иқтидорли ёшлар Мустақилликнинг 20 йилида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар, диаграмма ва фотосвирлар, маҳаллалар қошидаги фан, спорт каби турли соҳалар бўйича фаолият юритаётган тўгараклар иши билан яқиндан танишиб бир олам таассурот олдилар. Шунингдек, Равшан Комилов, Ғиёс Бойтоев, Тожибар Азизова, Собиржон Мўминов, Эркин Рўзметов каби эл эъзозидаги санъаткорлар ва бир қатор бадиий жамоалар ижросидаги она-юрт, мустақил Ватанни мадҳ этувчи дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларга бир олам завқ бағишлади.

— Байрамлари ярашган юртим жамоли кундан-кунга ошиб, ҳар жабҳада ютуқларга эришиб, ақлни шоширмоқда, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Ўқчи» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Умида Алимардонова. — Маҳобатли бинолар, замонавий кўприклар, кенг ва равон йўллар, бугунги кун талаби даражасида қад ростлаётган турар жой бинолари шу юрт эгаси бўлган ҳар биримизнинг кўнглимизни тоғдек кўтариб, юракларни фахру ғурурга тўлдирмоқда. Мусаффо осмонимиз, тинч-осойишта юртимизга асло кўз тегмасин.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар.**

## БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

**Мамлакатимизда 13-14 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 16,5 миллиондан ортиқ ҳамюртимиз иштирок этди.**

Ҳашар халқимизнинг энг қадимий ва боқий қадриятларидан биридир. Унинг замирида халқимизнинг ватанни севиш, юртни обод этиш, ўзгаларни эъзозлаш ва фаровон турмуш барпо этишга интилиши мужассам.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгу шуурига чуқур сингдириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётир. Миллий байрамларимиз арафасида анъанавий тарзда ўтказилаётган ободонлаштириш ва тозалик ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашарлари ана шундай хайрли ишлардандир.

Истиқлолимизнинг йигирма йиллик шодиёналари тобора яқинлашаётган шу кунларда халқимизнинг яратувчилик ва бунёдкорлик шижоати янада жўш урмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудлари, шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллалар чирой очмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва марказ ҳамкорлигида «Истиқлол йилларида енгил саноатни ривожлантириш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишлар самараси: амалиёт, тажриба, янгилик ва муаммолар» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан Республика Президентининг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбек Миллий академик драма театрида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг навбатдаги V конференцияси бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган шаҳар Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Мумтоз ва мақом куй-ашулалар» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. «Олтин мерос» жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур танловда вилоятнинг шаҳар ва туман маданият саройлари қошидаги халқ бадиий жамоалари ва яккахон хонандалар, шунингдек, турли соҳаларда хизмат қилаётган ҳаваскор ижрочилар иштирок этди.**

**● Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

**● 2011 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 9,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

**● Сариосиё туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан яқинда Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 63 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларининг 1 минг 100 тага яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида қатнашган касб-ҳунар коллежи битирувчилари ва фуқаролардан 154 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди.**

**● Жиззах вилоятида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жиззах шаҳрида ўтган йили ишга туширилган «Ўрда» соғломлаштириш мажмуаси юқори сифатли тиббий хизмати билан қисқа муддатда аҳоли ишончини қозонди. 40 ўринга мўлжалланган мазкур маскан замонавий тиббий жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланган. Ультратовуш текшируви, лаборатория, физиотерапия каби бўлимларда самарали муолажа учун барча шароит яратилган.**

### ЖАҲОНДА

**● Мексиканинг Чиуауа штатидаги Асенсьон шаҳри полиция маҳкамасида кутилмаган вазият юзага келди. Яъни маҳкама ходимларининг барчаси — 26 нафар полициячи оммавий тарзда ишдан бўшаш ҳақида ариза берди. Сабаб: уюшган жиноий гуруҳлар томонидан уларнинг оилаларига ёки ўзларига қилинаётган қуролли тажовузлардир.**

**● Турли маълумотларга кўра, бугунги кунда инсониятнинг 3 дан 10 фоизигача бўлган вакиллари чапақайлар экан. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг сони ёшга нисбатан олиб қараганда турличадир. Масалан, 20 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида чапақайлар 13 фоизни ташкил этса, 80 ёшгача бўлганлар орасида эса бу кўрсаткич атиги 1 фоизга етади. Сабаб: кўпчилик чапақайлар кейинчалик ўзларининг бу туғма одатларидан воз кечиб, ўнақайга айланиб олишаркан.**

**● Шри-Ланка ҳукуматининг ёввойи табиатни ҳимоя қилиш департаменти томонидан мамлакат бўйлаб филларни рўйхатга олиш тадбири ўтказилмоқда. «Daily Mirror» газетаси хабар беришича, филларни рўйхатга олиш уларни ҳимоялаш бўйича самарали дастурлар ишлаб чиқиш ва келгусида филларнинг янги қўриқхоналарини ташкил этиш учун замин яратади.**

**● Россия ҳудудидаги ўрмон ёнғинларининг сони 35 тадан 39 тага етди. Натижада, табиий ёнғинларнинг умумий майдони 410 гектарни ташкил этмоқда.**

**● Москва шаҳрида 10-халқаро авиасалон ўз ишини бошлади.**

**● Ироқ шаҳрида содир этилган бир қанча терактлар натижасида умумий ҳисобда 70 нафар одам ҳаётдан кўз юмганлиги маълум қилинмоқда.**

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

## КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

### (2010 йил)

Йилни Ўзбекистон янги парламент билан бошлади. Янги парламент олдида янги вазифалар турар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг янги таркибдаги биринчи қўшма мажлисида (27.01) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов *«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»* мавзуида катта маъруза билан қатнашди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, олдинги чақириқ парламент таркиби фаолиятини таҳлилий ва танқидий баҳолади, янги парламент ҳақида янги қарашларни илгари сурди, шунингдек, янги парламент олдида турган долзарб вазифаларни ҳам белгилаб берди.

Мамлакатимизда миллий армиямизни янада такомиллаштириш, уни ҳар тарафлама замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш бўйича изчил ислоҳотлар олиб бориляпти. Президентимиз таъкидлаганидек: *«Бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор».*

12 январда давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов сўзга чиқди. *«Чиндан ҳам,* – деди жумладан давлатимиз раҳбари ўз маърузасида, – *ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим, деб биламан ва улар учун бутун борлиғимни беришга тайёрман».*

Бугунги Ватан ҳимоячиси, Президентимиз таъкидлаганидек: *«она юртга, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини хаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Қуролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлиги»* бўлиши керак.

13 январда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига байрам табриги йўллади.

Йил бошида Францияда 90 мингдан ортиқ нусхада чоп этиладиган «L`Essentriel des Relations Internationales» журналининг навбатдаги сонида парижлик журналист Доминик Антуаннинг «Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг тутган ўрни» мақоласи босилди. Унда Афғонистон муаммосини ҳал этишда Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари, унинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилади.

Корея Республикасининг пойтахти Сеул шаҳридаги Миллий музейда 2009 йилнинг ноябрь ойида очилган «Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳаси: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти» кўргазмаси 2010 йил январида ҳам давом этди. Музейнинг Осиё залида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва мероси ҳақида ҳикоя қилувчи антик даврлар – палеолит, неолит ва бронза асрларига тегишли 150 дан зиёд экспонат намойиш қилинди. Улар орасида Самарқанддаги Афросиёб музейидан ўрин олган, корейсларнинг Когурё давлатидан келган икки элчининг VII асрларда ҳукмронлик қилган шоҳ Вархуман ҳузурида қабул қилиниши тасвирланган деворий расмлар фотосуратлари ҳам бор. Бу юртимиз билан Корея ўртасида Буюк Ипак йўли орқали мустаҳкам алоқалар бўлганидан далолат беради.

27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқланди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун жами 7 триллион 898 миллиард 3 миллион сўм ва 165 миллион 430 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилди. Бу ҳар йилги каби йил йўналишига бағишланган Давлат дастурлари ижросига ажратилган маблағдан бир неча баробар кўп эди.

«Баркамол авлод йили»да бутун Ўзбекистон халқи ана шу Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар руҳи билан нафас олди. Ҳаммамиз келажагимиз бўлган ёшларимиз таълим-тарбияси билан янада жиддийроқ шуғулланишимиз, бу борадаги аср-асрлар мобайнида мисқоллаб йиғилган меросимизни ишга солиб, уни тобора бойитишимиз, қўлимиздан келгани қадар шу олий мақсадларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб яшашимиз кераклигини тушундик.

Шу Дастур ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (05.05), «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (28.07) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон – 2010» республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 29 август куни Президент Ислом Каримов истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари – В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биноси ҳамда Тошкентдаги Турин политехника университети билан танишди. Дунёдаги 18 та давлатдагина автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқарилади. «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда Тошкентда мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан жой олади. Ана ўшанда бизга автомобилсозлик бўйича етук мутахассислар керак. Мазкур университет ана шундай истиқболни кўзлаб очилди. Ноябрь ойида Тошкентда «Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси» мавзуида халқаро форум, йил охирида эса Тошкентдаги Ёшлар ижод уйида «Келажак овози – 2010» республика кўрик-танлови якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

29 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов иштирок этиб, «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзуида маъруза қилди.

26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек, «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Кейинги қарор ижросини таъминлаш мақсадида июль ойига келиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.





10 март куни Президент Ислом Каримов раислигида Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. *«Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий салоҳият, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади. Шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки – бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир»,* – деди Ислом Каримов.

1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида»ги Қарори, 30 мартда эса «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти тартиб-қоидаларига биноан, ҳар йили аъзо ташкилотлардан бири унга раис бўлади. 2009 йил Екатеринбург саммитидан кейин ШҲТга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди. Шунинг учун 2010 йили ШҲТнинг кўпгина мажлислари айнан Тошкентда ўтказилди. 2 апрель куни Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг ўн олтинчи мажлиси бўлиб ўтди. 4 –5 апрель кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун мамлакатимизда бўлди. 5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мунни қабул қилди. Бош котибнинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 5 апрель куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. 21 апрелда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича идоралари раҳбарларининг бешинчи мажлиси, 23 апрелда эса Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг бешинчи мажлиси, 22 майда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги, яъни ўнинчи мажлиси ўтказилди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Июнь ойида мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Франциянинг Стратегик таҳлил институти президенти, Франция Миллий мудофааси олий тадқиқотлар институти директори ўринбосари Ф. Жере: *«Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги даври ўзининг жўшқинлик хусусияти билан ажралиб турди»,* – деди.

Сайёҳлик – Ўзбекистон учун ўта истиқболли соҳалардан бири. Истиқлол бу соҳани ривожлантириш учун кенг имкон яратди.

Октябрь ойида пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Ипак йўли бўйлаб саёҳат» XVI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси ўтказилди. 7 октябрда Президент Ислом Каримов Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифаини қабул қилди.

11 – 15 июнь кунлари Қирғизистоннинг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида босқинчи тўдалар томонидан хунрезлик, қотиллик, зўравонлик, қирғин ва ўт қўйиш каби қабиҳ ишлар амалга оширилди. Бу фожиали воқеалардан жабр кўрган минглаб фуқаролар Ўзбекистондан ёрдам сўраб келди.

Ўш ва Жалолободдаги фожиали воқеалар оқибатида 100 мингга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилди. Ўзбекистон ҳукумати жабрланганларга 4 миллиард 34 миллион 412 минг 900 сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июль куни қабул қилинган фармони асосида Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Андижон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг бир гуруҳи давлатимиз орден ва медаллари билан мукофотланди.

12 апрелда Тошкентда Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг кўламли самараларини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодиётни янада жадал ислоҳ қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов конференция иштирокчиларига табрик хати йўллади.

19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори чиқди.

28 – 30 май кунлари Андижонда олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг «Универсиада – 2010» спорт мусобақалари ўтказилди.

11 июндан 11 июлгача Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати ўтказилди. Бунинг мамлакатимиз аҳлини хурсанд қилган жойи шу бўлдики, ана шу нуфузли халқаро баҳслардаги бир неча учрашувга икки ҳамюртимиз ҳакамлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июлдаги фармони асосида Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, Рафаэль Илёсов эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. У бу ерда «Бухоро маданий маркази»даги «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументининг очилиш маросимида иштирок этди.

Март ойида Президент Ислом Каримов ташаббуси ва тавсиялари асосида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Сентябрда бу ишлар ниҳоясига етказилди. Эски музей ўрнига замонавий лойиҳа асосида расадхонанинг қадимий кўринишини эслатадиган янги музей қад ростлади. Бу ерда Мирзо Улуғбек ҳайкали ҳам қўйилди. Унинг орқасида юлдузли осмон тасвири берилган панно ўрнатилди.

15 сентябрь куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳайкали очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ саммитининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида нутқ сўзлади (20.09). Унда, асосан, учта масалага нисбатан Ўзбекистон позицияси илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари, биринчидан, ҳозирги вазиятда қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳақида тўхталди. Иккинчидан, июнь ойида Қирғизистоннинг жанубида юз берган фожиали воқеаларни таҳлил қилиб, жумладан: *«Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор»,* – деди. Учинчидан, у Орол фожиасига муносабатини баён этиб, жумладан: *«Қуриб бораётган Орол муаммоси – бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир»,* – деган нуқтаи назарни қатъий туриб илгари сурди.

Сентябрь ойида Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида озарбойжон тилида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив Хавфсизлик Шартномаси (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этиб, нутқ сўзлади (10.12).

7 октябрда Тошкентда «Барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

13 – 14 октябрь кунлари Тошкентда VI Халқаро ўзбек пахтаси ярмаркаси ўтказилди.

10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

17 ноябрда Тошкентда «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 30 мамлакат, 60 дан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари қатнашди. Президент Ислом Каримов конференция иштирокчиларига табрикнома йўллади.

12 – 17 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

2 декабрда Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди.

12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мустақилликнинг қарийб 20 йили мобайнида мамлакатимиз парламенти минбаридан туриб қирқдан ортиқ маъруза қилди. Бу чиқишларнинг ҳар бири мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, давлатчилигимизни тараққий эттириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонунларимизни такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш, босиб ўтган йўлимизни атрофлича таҳлил этиб, келажак истиқболларини белгилаб бериш борасида тарихий аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси бу борада алоҳида ўрин тутади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг марказида инсон ва унинг бахт-саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти турганини ҳамма англаб етди. Мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига эга бўлган, Ватани, ўз тили, маънавияти, маданияти ва миллий қадриятлари билан фахрлана олган шахсгина мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этишга ўз муносиб ҳиссасини қўша олади. Келажаги буюк давлатни қураётган ҳар бир фуқаронинг билим ва тафаккури, мақсад-муддаоси, ўй-хаёли, одоб-ахлоқи жамиятда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, демократик тамойилларни қарор топтириш, маънавий ва моддий неъматлар яратишга қаратилган, айни пайтда, Ватани ва халқи учун ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим.

**Султонмурод ОЛИМ**

**(Давоми бор)**

## Иқтисодиёт

### БУЮРТМАЛАР БАЖАРИЛМОҚДА

**Хорижий ҳамкорлар билан шерикликда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳамда рақобатбардошлиги ортиб бораётгани нафақат ички бозорда ўрин топишда, балки экспорт ҳажми ортишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Австриялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «DESK-INVEST» қўшма корхонасида ҳам ҳозирги кунда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда металл черепицалар тайёрланмоқда ва ушбу сифатли, қатор афзалликларга эга бўлган қурилиш ашёсидан бунёдкорлик ишларида кенг қўлланилмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, тадбиркорларнинг сифатга қаратаётган эътиборлари буюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуниси эътиборлики, буюртмачилар орасида йирик қурилиш ташкилотлари, катта корхона ва муассасалардан тортиб, хусусий тадбиркорларгача бор.

Шунингдек, кейинги йилларда корхонани техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилганлиги боис ҳам янги лойиҳалар ишлаб чиқаришга тадбиқ этиляпти. Ана шулардан бири том ёпишда ва бошқа қурилиш ишларида фойдаланиладиган профнастил маҳсулоти бўлиб, Европа андозаларига мос мазкур бунёдкорлик ашёси импорт ўрнини босиши, четдан келтириладиган худди шундай товардан бирмунча арзонлиги билан талабга жавоб бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхона жамоаси имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Буни тадбиркорлар томонидан жорий йилнинг ўтган ярмида буюртмачиларга 440 миллион сўмлик маҳсулот сотилганидан ҳам яққол билиш мумкин. Йилига минг тоннадан зиёд металл черепицалар ишлаб чиқарилмоқда.

### ЯНГИ МОДЕЛЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

**Тадбиркорларимизнинг изланиш ва саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бераётганини шунда яққол кўриш мумкинки, кейинги йилларда ички бозоримизда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотларимиз сифати ва рақобатбардошлиги билан харидорини топмоқда.**

«KHAMZA Collektion» хусусий корхонасида ҳам ана шундай замонавий эркаклар устки кийим-кечаклари тайёрланмоқдаки, мазкур либослар моделларини яратишда моҳир дизайнерлар ижодий изланишмоқда. Мутахассислар ҳар бир лойиҳани ишлаб чиқаришга жорий этишда ички ва ташқи бозорни, харидор талаб ҳамда эҳтиёжини мукаммал ўрганишга интилишмоқда.

Цехларда танлов асосида ишга қабул қилинган маҳоратли чеварлар меҳнат қилишади. Улар тиккан костюм, шим, пиджак ва бошқа эркакларнинг устки либослари ҳам классик, ҳам замонавий услуб уйғунлиги, сифати билан ажралиб туради.

— Ишлаб чиқаришда, албатта сифатни таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларимизни харидорларга манзур этиш асосий мақсадимиз, — дейди корхона директори Ҳамза Хушвақтов. —Чет эллик ҳамкорлар билан ишлаймиз, тажриба алмашамиз. Шу боис бўлса керак, маҳсулотларимиз импорт ўрнини босади, кўриниши, юксак дизайни, сифати, ўралиши билан рақобатлаша олади. Нархи эса улардан бирмунча арзон. Жорий йилда яна кўплаб турдаги эркаклар либосини яратишни режалаб турибмиз.

— Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, корхона маҳсулотларига харидорлар сафи ортиб бормоқда. Уларга қулайлик яратиш мақсадида «Чорсу», «Ўрикзор», «Чилонзор», «Кадишев» буюм бозорлари ва пойтахтимиздаги йирик супермаркетларда корхона дўконлари фаолияти йўлга қўйилган.

### СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

**Замонавий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланиш самараси ўлароқ харидор талабига мос маҳсулот турлари ортиб, сифати юқорилаб бормоқда.**

Ана шундай изланишлари янги маҳсулот турларида кўринаётган корхоналардан бири «Raferti» масъулияти чекланган жамиятида ўтган беш йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми 20 баробар ортди. Ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар, яратилган шарт-шароитлар, кредит маблағлари бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунга келиб малакали мутахассислар меҳнат қилаётган жамоа цехларида 40 хилдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, илғор технологияларни қўллаш яхши натижага эришишда гаров бўлмоқда. Маҳсулотлар ҳам сифати, ҳам қадоқланиши билан талабга мос, импорт ўрнини босади. Шунинг баробарида бирмунча арзон нархда бўлиб, харидор эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинади.

Маҳсулотлар 90 фоиз маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқарилади. Турли ҳажмда тайёрланаётган майонез, кетчуп, горчица, сирка ва қадоқланаётган кўк ҳамда қора чойлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Жорий йилда тадбиркорлар 200 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашни режалаган.

Шунингдек, маҳсулотларнинг бир қисмини Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилиш ҳам асосий мақсадлар сирасидан. Имкониятлардан фойдаланган ҳолда янги технологик жиҳозлар келтириб, цехларни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда рақобатбардош маҳсулот турларини янада кўпайтириш тадбиркорларнинг бугунги режалари сирасига киради.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

# ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ: ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу билан бирга, Ўзбекистон томони Жанубий Корея ҳукуматининг ўзаро манфаат ва биргаликда равнақ топиш тамойилларига асосланган корейслар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатларини эътиборга олган ҳолда, Корея Республикасининг олти томонлама музокаралар доирасида Шимолий Кореядаги ядро муаммосини тинчлик йўли билан тартибга солиш борасидаги ёндашувини қўллаб-қувватлайди.

Ўз навбатида Жанубий Корея томони Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядродан холи ҳудудни ташкил қилиш борасидаги ташаббуси ва минтақада барқарорликни сақлаш ҳамда биргаликда тараққиётга эришишга қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолайди.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси Афғонистондаги вазиятнинг тезроқ барқарорлашувидан манфаатдор ва низоли вазият давом этаётган Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасидаги халқаро лойиҳалар ҳамда дастурлар амалга оширилишининг тарафдоридир.

Мамлакатларимиз парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришмоқда. 1995 йилда Корея Республикасининг Миллий Ассамблеясида «Корея — Ўзбекистон» дўстлик парламент уюшмаси ташкил этилди. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Жанубий Корея билан ҳамкорлик қилиш гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 1995 йилдан буён мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда, ушбу тадбирнинг навбатдагиси – тўққизинчиси 2011 йил май ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

2007 йил ноябрь ойидан бошлаб ҳар йили иқтисодиёт, маданият, таълим, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш ва транспорт соҳаларида тажриба алмашиш мақсадида ташкил этиладиган «Корея Республикаси – Марказий Осиё» форуми фаолият юритиб келмоқда. Форумнинг тўртинчи йиғилиши 2010 йил ноябрда Сеулда бўлиб ўтган эди, бешинчи йиғилиш эса жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлар ҳам муваффақиятли тарзда амалга ошириб келинмоқда. Мазкур алоқалар доирасида Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Ёнгин, Наманган ва Сонгнам шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишувларга эришилган.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий-техникавий ҳамкорлиги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим омил саналади ва улкан истқболларга эгадир. Томонлар тоғ-кон саноати, нефть ва газ, нефть ва кимё, қурилиш, автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, шунингдек, юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордирлар.

1992 йилда имзоланган Савдо битимига кўра, мамлакатларимиз ўртасида мумкин қадар қулайлик бериш режими ўрнатилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ташқи савдо бўйича шериклари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

2010 йилда икки томонлама товар айланмаси ҳажми 2009 йилдагига нисбатан 31,5 фоизга ўсиб, 1 миллиард 614 миллион 700 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистондан Жанубий Кореяга транспорт, сайёҳлик ва коммуникация хизматлари, пахта толаси, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина ва асбоб-ускуналар экспорт қилинади. Корея Республикасидан эса кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса, қора металлар, транспорт, консультатив ва коммуникация хизматлари, озиқ-овқат, нефть маҳсулотлари, машина ҳамда асбоб-ускуналар импорт сифатида олинади.

1994 йилдан буён савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма қўмитаси фаолият юритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида қўшма қўмитанинг олтита йиғилиши ташкиллаштирилди, уларнинг охиргиси 2009 йилнинг апрель ойида Сеулда бўлиб ўтди.

Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоялар ҳажми 5 миллиард АҚШ долларига етди, шу жумладан ушбу маблағнинг 2 миллиард АҚШ долларидан зиёди ўзлаштирилди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади. Эркин индустриал-иқтисодий зона ва юк ташиш бўйича дунёда етакчи компаниялардан бири — «Кореан Эйр» томонидан бошқарилаётган Навоий шаҳар аэропортидаги логистика маркази имкониятларининг бирлаштирилиши юқори даромадли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ривожланишига ҳамда авиация, автомобиль ва темир йўлдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган юк ташишнинг мультимодаль тизими орқали тайёр маҳсулотни дунё бозорига тез етказиб берилишига алоҳида имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши бу – мавжуд саноатни янгилаш ҳамда модернизация қилиш мақсадида мамлакатимизга юқори инвестиция технологияларининг жалб этилиши билан боғлиқ истиқболли лойиҳалар саналади.

Жанубий Корея Эксимбанкининг Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан имтиёзли кредитлаш тизими бўйича олиб борилаётган ўзаро муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Бу борада ичимлик суви билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва геоахборот тизими соҳасига оид лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида EDCF жамғармасининг қарийб 155 миллион АҚШ долларига тенг бўлган янги имтиёзли кредитини жалб этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришда Сургил кони негизида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан биргаликдаги консорциум асосида Устюрт газ ва кимё мажмуасини қуриш бўйича қўшма лойиҳани амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Корея Республикасининг маблағи иштирокида 360 та корхона фаолият юритмоқда, уларнинг 59 таси юз фоиз Жанубий Корея маблағи асосида иш олиб бормоқда. Ушбу корхоналар асосан савдо, енгил саноат, тоғ-кон саноати, кимё, озиқ овқат саноати, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ихтисослаштирилган. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида 84 та Корея Республикаси компанияларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Жанубий Корея билан ҳамкорлик қилиш доирасида юқори қўшимча қийматга эга бўлган энг илғор илмий ютуқларни ўзида мужассам этган технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ва автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар сафига кирди.

Корея Республикаси ҳукуматининг техник ёрдами доирасидаги ҳамкорлик Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИКА) орқали фаол ривожланмоқда. Бугунги кунгача КОИКА дастури бўйича Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг 1240 нафардан зиёд вакиллари Корея Республикасида амалиёт ўтаб қайтишди.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам муваффақиятли тарзда ривожланмоқда. Ҳусусан, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида гуманитар, таълим, сайёҳлик ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида Сеул паркини ташкил этиш тўғрисидаги келишувга эришилган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамлашувида Ўзбекистонда истиқомат қилувчи корейс миллатига мансуб аҳоли ҳам муҳим ўрин тутади. 1999 йилдан буён «Ўзбекистон — Корея Республикаси» дўстлик жамияти фаолият юритмоқда. Тошкентда турли кўргазмаларни, халқ ўйинлари ва удумлари, кинофильмлар намойишини, корейс қўшиқлари, мумтоз ва эстрада куйлари фестивалларини ўз ичига олган «Корея маданияти ҳафталиги» ўтказилиб келинмоқда.

1992 йилдан бошлаб Тошкентда танлов асосида Корея Республикасида тил ўрганиш бўйича амалиёт ўташ, олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари учун малака ошириш курсларини ташкил этиб келаётган Корея таълим маркази иш юритмоқда.

Тошкентда «Ўзбекистон — Корея Республикаси» касбий тайёрлов марказининг очилиши лойиҳасини амалга ошириш таълим соҳасидаги ютуқлардан бири бўлур эди. Бу ерда ҳар йили 360 нафар йигит ва қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш каби соҳаларда ўқишлари мумкин бўлади.

Ўзбекистонда 13 та олий ўқув юртида ҳамда 28 та мактаб ва лицейда корейс тили ўқитилади.

Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, янги адабиётлар, видео ва аудио ускуналар билан жиҳозланган компьютер марказлари фаолият юритмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик доирасида 2009-2010 йилларда Корея миллий музейида Ўзбекистоннинг қадимий санъати кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур тадбирларда Жанубий Корея жамоатчилигига давлатларимиз ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларни қадимийлигини тасдиқловчи ноёб тарихий экспонатлар илк бор намойиш этилди.

2010 йил 16 июлда Сеулда «Ўзбек модаси – Буюк Ипак йўлининг интиҳосизлиги» номи остида Ўзбекистон ва Жанубий Кореядаги етакчи санъаткорлар иштирокидаги мусиқий дастур жўрлигида ўзида анъанавий ва замонавий либослар модалари намойишини мужассам этган тадбир ҳамда ўзбек матоси – абрбанднинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда таэквандони ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик ўзбек спортчилари учун Корея Республикасида тренинг курсларини ташкил этиш, Жанубий кореялик мутахассис ва мураббийларнинг Ўзбекистонда мастер-класс сабоқлари ўтказишлари орқали муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон томони Халқаро олимпия қўмитасининг Пхёнчан шаҳрини 2018 йилда бўлиб ўтадиган қишки олимпиада ўйинларининг пойтахти деб эълон қилиш борасидаги танловини олқишлайди ва бу, Корея Республикасининг улкан меҳнатлари, унинг равнақ топиб бораётган иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятларининг, шунингдек, мамлакат раҳбарияти томонидан шахсан фаол тарзда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг эътирофи деб ҳисоблайди.

Турли соҳаларда эришилган ҳамкорликнинг даражасини ва давлатларимизнинг икки томонлама муносабатлар йўлида олиб бораётган жўшқин интилишларини ҳисобга олган ҳолда, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасига амалга оширилиши кутилаётган давлат ташрифи шубҳасиз стратегик шериклик ва ишончли мулоқотлар янада чуқурлашувининг қизғин тус олишига туртки беради.

**«Жаҳон» АА**

## Спорт янгиликлари

### УНИВЕРСИАДАНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛИ

**Хитойнинг Шенчжен шаҳри мезбонлик қилаётган XXVI Бутунжаҳон Универсиадасида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига дастлабки кумуш медални дзюдо устаси Шерали Жўраев келтирди.**

Вазни 90 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувларида Шерали Жўраев мусобақани иккинчи босқичдан бошлади ва саралаш учрашувларида мўғулистонлик Саинжаргал Батбаяр, германиялик Марк Андре Одентал, руминиялик Валентин Радуни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Истеъдодли дзюдочимиз ҳал қилувчи беллашувда россиялик Абдул Омаровга ютқазди ва Бутунжаҳон Универсиадасининг кумуш медалига сазовор бўлди.

### ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

**Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасининг ўн олтинчи турида етти учрашувнинг тўрттасида мезбонларнинг қўли баланд келган бўлса, учта беллашувда кучлар тенг келди.**

Турнинг марказий учрашуви Қарши шаҳрида «Насаф» ва чемпионат пешқадами «Бунёдкор» жамоаси ўртасида бўлди. Мамлакатимизнинг энг кучли жамоаларининг ўзаро баҳси кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди. Беллашувнинг энг қизғин палласи сўнгги дақиқага тўғри келди. «Насаф» ҳимоячиси Боян Малисич ўз жарима майдончаси ичида ўйин қоидасини бузди. Учрашувни бошқарган ФИФА рефериси Равшан Эрматов мезбонлар дарвозаси томон пенальти белгилади. Ўйин якунланиш арафасида ғалаба қозониш учун қулай имкониятга эга бўлган пойтахтликлар бундан унумли фойдалана олмади: «Бунёдкор» тўпурари Милош Трифунович йўллаган зарбани «Насаф» посбони Дмитро Казаченко маҳорат билан қайтарди. Ўйинда ҳисоб очилмай қолди.

Қаршида қайд этилган дуранг натижа «Пахтакор» фойдасига ишлади. Тошкентлик чарм тўп усталари ўз майдонида Ғузорнинг «Шўртан» жамоасини қабул қилиб, грузиялик легионер Иракли Климиашвили, Темурхўжа Абдухолиқов ва Егорь Кримец томонидан киритилган голлар эвазига 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонларнинг ягона жавоб тўпи Шаҳбоз Эркинов ҳисобига ёзилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» (Фарғона) – «Машъал» (Муборак) 2:1, «Бухоро» (Бухоро) – «Навбаҳор» (Наманган) 1:1, «Сўғдиёна» (Жиззах) – «Металлург» (Бекобод) 3:1, «Олмалиқ» (Олмалиқ) – «Динамо» (Самарқанд) 1:1, «Қизилқум» (Зарафшон) – «Андижон» (Андижон) 2:0.

Мусобақа жадвалида 42 очко билан пешқадамлик қилаётган «Бунёдкор» энг яқин таъқибчиси – «Пахтакор»ни олти очкога ортда қолдирмоқда. Учинчи ўринни эгаллаб турган «Насаф» ҳисобида 31 очко бор.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

**Президент девони биноларининг транспорт қисмини реконструкция қилиш**

объекти бўйича танлов савдоси ўтказилишини

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи ҳамда белгиланган қурилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар — танлов савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бирлашган дирекцияси

**Танлов савдолари ташкилотчиси:** Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази

**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига; ишлаб чиқариш базалари; ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларига; етарли касбий ва техникавий малакага; молиявий имкониятларга; шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга; ўхшаш иншоотларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда, маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади; иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларга мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент шаҳар ҳудудий консалтинг маркази қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Тел: 244-12-17, 244-07-65

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (бир юз минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — таклифларни (оферталарни) очиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин ўтказилади.

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 4 августдаги фармойиши асосида август ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойи деб эълон қилинди. 13-14 август кунлари ушбу ойлик доирасида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Ҳашар Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этилаётгани замирида теран маъно мужассам. Зеро, маҳалла боқий анъаналаримизнинг муҳим бешикларидан бўлиб, халқимизнинг инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби беқиёс фазилатларини ўзида намоён этади. Ҳашарда ёшлар ташкилотларининг фаол иштирок этаётгани эса миллий урф-одатларимизнинг бардавомлигига хизмат қилмоқда.

Республика «Маҳалла» жамғармасидан маълум қилишларича, ушбу тадбирда 16,5 миллиондан зиёд ватандошларимиз фаол иштирок этган. Ҳашарда аҳоли яшаш жойлари, қишлоқлар, кўчалар, маҳаллалар, гузар ва хиёбонлар, бозорлар, ариқлар, сув ҳавзалари, зиёратгоҳ ҳамда қабристонлар ободонлаштирилди.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жойларда йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш муассасалари, намунавий маҳаллалар, замонавий уй-жойлар, мактаблар, гузарлар, савдо мажмуалари барпо этилмоқда. Ҳашар кунлари мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган ана шундай иншоотларда иш янада қизиди.



Юртимизнинг барча ҳудудларидаги каби пойтахтимизда ҳам ҳашар кўтаринки руҳда, уюшқоқлик билан ўтказилди. Миробод туманидаги «Толариқ» тобора чирой очаётган маҳаллалардандир. Ҳозир унинг ҳудудидаги барча иншоотлар, уй-жойлар тўла таъмирланиб, учта янги болалар спорт майдончаси барпо этилмоқда. Бу ерда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларида ҳашарчилар ҳам фаол иштирок этди.

– Халқимиз энг улуғ, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳ, меҳнат ва яратувчиликдаги улкан ютуқлар билан кутиб олмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «Толариқ» маҳалласи оқсоқоли Раҳим Қосимов. – Бу бизнинг маҳалламиз ҳаётида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Қарийб тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукмрон. Маҳалламизнинг ҳар бир аъзоси ўзи яшаётган уйи ва маҳалласининг тозалиги, ободлиги, хавфсизлиги, ёшлар тарбияси учун масъулиятни ҳис этиб яшайди. Халқимизнинг онг-тафаккурида рўй бераётган бундай ўзгаришлар тараққиётимизнинг муҳим омили бўлаётир. Умумхалқ хайрия ҳашари кунларида ҳам бу яна бир карра ўз ифодасини топди.

– Умумхалқ хайрия ҳашари давомида гузарлар, истироҳат боғлари, болалар майдончалари, бекатларда тозалаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди, – дейди Шайхонтоҳур туманидаги “Новза» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурашид Абдураҳмонов. – Ўтказилаётган бундай хайрли ишлар ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга, ижтимоий ҳамкорлик, беғараз ёрдам ва меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

Юртимизнинг барча ҳудудларида ана шундай байрамона кайфият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган умумхалқ хайрия ҳашари давомида 30 минг гектардан кўпроқ майдон ободонлаштирилди, 23 минг километрдан зиёд узунликдаги сув йўллари, қабристон ва зиёратгоҳлар тозаланди.

Бу йилги умумхалқ хайрия ҳашарининг табаррук Рамазон ойига тўғри келгани хайр-саховат, меҳр-мурувват тадбирлари кўламини янада кенгайтирди. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. Бемор ва ногиронлар, ёлғиз кексалар, ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳолидан хабар олинди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» жамғармасининг ҳисоб рақамига ўтказилиши аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштириш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш каби хайрли ишларга хизмат қилади.

**Баҳор ХИДИРОВА**

